

“Баркамол авлод” – истиқбол пойдевори



Бугун Тошкент вилоятида академик лицей ва касб-хунар коллежи ўқувчиларининг “Баркамол авлод” спорт мусобақалари бошланади. Кеча пойтахтнинг “Тошкент” шимолий темир йўл вокзалида спорт уйинлари иштирокчилари кутиб олинди. Мусобақалар ўтайдиган Чирчиқ шаҳри, Бўстонлик, Қўйраб ҳамда Паркент туманларидаги спорт иншоотлари беллашувларга тахт қилиб қўйилган.

СУРАТЛАРДА: спорт уйинлари ўтайдиган майдонлардан ва кутиб олиш маросимидан лавҳалар. С.ЗУФАРОВ, М.АМИН (Ўза) ва Б.АКРАМОВ (“Қишлоқ ҳаёти”) олган суратлар.

Эртага Ўзбекистон Республикаси Президентининг Хитойга давлат таширифи бошланади.

ЎЗБЕКИСТОН - ХИТОЙ:



Аҳоли сони ва ҳудуди жиҳатидан Сичуань Хитойнинг энг йирик вилоят (провинция)ларидан бири. Унинг ҳудуди 480 минг квадрат километр. Демак, Ўзбекистон ҳудудидан каттароқ. Аҳоли сони ҳам бизга қараганда уч ярим баравар кўп. Табиати, илгор қишлоқ ҳўжалиги, ишчи кучининг қўллиги ва аҳолининг эчкилиги жиҳатидан Фарғона водийсига ўхшаб кетади. Дарвоқе, меҳмоннавози борасида ҳам маҳаллий аҳоли бизнинг водийликларга монанд. Биз буни Сичуанда бўлганимизда ҳис этдик.

Олмоқнинг бермоғи бор

Тасаввур қилинг, кўп қаватли уйнинг лифтада тепага кўтарилаёсиз. Шу сонияда электр токи узилади-ю, сиз лифта қолиб қетасиз. Ёки хонадонингизга меҳмон ташириб буюрди.

Дийдорлашиб ўтирган чўчингизда чироқ ўчади-ю, змистонлик меҳмон кетганга доғдур ёришмайди. Мана шундай ҳолатларда кўнглингиз ҳам қоронғулашади. Қимларнидир масъулиятсизликда айблайсиз. Ҳўш, айтинг-чи, айна пайтда ўзингиз истеъмолчи сифатида мажбуриятларни бажарганимиз? Эҳтимол, чироқнинг ўчиши беҳизмасдир.

Республика прокуратураси органлари томонидан ўтказилган текширишлар чоғида Вазирлар Маҳкамасининг “Электр энергиясидан фойдаланганлик учун қилиш механизмидан тақомил-чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг ижроси юзасидан жойларда қатор камчиликлар мавжудлиги кузатилди. Жумладан, ҳисоб-китоблар интизомининг бузилиш ҳоллари давом этаётди, етказиб берилган электр энергияси учун тўлов-ни ўз вақтида тўламаган истеъмолчиларнинг энергия манбаидан ўзиб қўйишга доир талаблар бажарилмапти ҳамда тўлов муддати ўтган дебитор қарзлар қўлаймоқда.

Маълумки, жорий йилдан эътиборан тўлов муддати ўтказиб юборилган қарзларни йиғиш ва электр энергияси учун маблағнинг тўлиқ тушишини назорат қилиш вазифаси Давлат солиқ қўмитаси зиммасига юклатилди. Лекин энергия билан таъминлаш корхоналари томонидан муддати ўтган дебиторлик қарздорлик ҳақидаги реестр рўйхатлари солиқ органларига тўлиғича етказиб-берилмаётгани вазиятни эски ҳаммом эски тослиғича қолдирапти.

(Давоми 2-бетда)

Янгилик самараси — икки миллиард

донга 15-30 килограммдан уруқлик сарфлаши ижобий натижаларни берди.

Вобектлик деҳқонларнинг бу борадаги саяй-ҳаракатлари қўлчиликка ибратли бўлди. Улар янгиликни бажонидил қабул қилиб, 6536 гектар майдонда Американин “Кейс-1200” русумли сеялкаси билан чигит экидилар.

Янги усулни қўллаш туфайли бу йилги шароитда чигитни ағдариш, намлаш, офтобда тоб-

лаш, трактор билан сув ва ўғит ташиш, чигит юклаш каби юмушларга ҳақ тўлашга ҳождат қолмади, - дейди “Зарафшон” ширкат ҳўжалиги раҳбари Баҳодир Фафоров. - Утган йили яғналашга кетган 2,5 миллион сўм ҳам эндиликда тежаб қолинди. Қисқаси, жорий йил экиш даврида ҳаммаси бўлиб 24 миллион сўм харажат қилинди, холос. Бу сарфланган чигит харажатики бугунги нархлар билан баҳоласак, жамоа факат экиш тадбирининг ўзида ўтган

йилга нисбатан эса 41,7 миллион сўм тежаб қолди, дегани. Бундай фикрларни бошқа ҳўжалик раҳбарлари ва мутахассислари ҳам эътироф этишди. Яна бир муҳим жиҳати, янги сеялка туфайли чигит белгиланган ораликда ва намликка мос чуқурликка экилиб, тулроғи керакли микдорда зичланган боис одатдагидан 3-4 кун илгари унб-чиди.

(Давоми 3-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида

23 май кунини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар сайлов округларида аҳоли билан бўлиб ўтган учрашувларда яқунлари бўйича шу йилнинг 13 май кунини Андижон шаҳрида рўй берган фожиали воқеалар муҳокама-сини давом эттирдилар. Мажлисда сўзга чиққанлар таъкид-ладиларки, рўй берган воқеалар бутун мамлакатимиз аҳоли-си ҳамда жамоатчилигида чуқур безовталик ва ташвиш уйғотди. Барча жойларда бўлиб ўтаётган йиғилишларда, сай-ловчилар билан учрашувларда фуқаролар фақат битта саволи-ни бермоқдалар: одамларнинг ўлимига сабаб бўлган, жамия-тимизнинг тинч, барқарор, бунёдқорона тараққиётини хавф-остида қолдирган маъмур воқеалар қандай қилиб рўй берди? Маъмур масаланинг муҳокамаси чоғида сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари Андижон шаҳридаги воқеалар билан боғлиқ ҳолатларни ҳар томонлама текшириш учун пар-ламентнинг мустақил Комиссиясини тузиш ташаббуси билан-чидилар. Депутатлар маъмур тақлифни қўллаб-қувватла-дилар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ан-дижон шаҳрида рўй берган воқеаларни текшириш бўйича мустақил комиссиясини тузиш тўғрисида қарор қабул қил-дилар. Маъмур Комиссия таркибига барча сиёсий партиялар фрак-циялари вакиллари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан тақлиф этилган сенатор-лар киритилди.

(Давоми 2-бетда)

Мулкдорнинг яқин кўмакдоши

Мамлакатимизда фаолият юритаётган банклар қато-рида “Пахта Банк”нинг ҳам алоҳида нуфузи бор. Ушбу йирик молия муассасасининг, айниқса, республика-миз қишлоқларида фаолият юритаётган ишбилармон-лар, хусусан, фермерлар билан яқин ҳамкорликда иш-олиб бораётгани диққатга сазовордир. Бу банкнинг Сирдарё вилоят бошқармаси фаолиятида ҳам аққол-кўзга ташланиб турибди.

Бошқарма ва унинг жойлардаги филиаллари ҳамда мини-банклар томонидан халқ ҳўжалигида иқтисодий ислохотлар-ни амалга ошириш ва чуқурлаштириш юзасидан жорий йил-нинг ўтган биринчи чораги давомида вилоятдаги тайёрлов-чи, таъминот-кўрсатувчи, қишлоқ ҳўжа-наларига бе-лаб чиқаришни, тадбиркорликни ривожлантиришга йўналти-рилган имтиёзли, қисқа ва узоқ муддатли кредитлар микдо-рининг салмоқли эканлиги юқоридаги фикрни тасдиқлаб-турибди.

Айни пайтда бошқарманинг жойлардаги 12 та филиали ва 30 та мини-банк томонидан жами 3425 та ширкат ва фермер ҳўжалигига самарали хизмат кўрсатилмоқда. Айниқ-са, пахта ва галла ҳўсалини етиштирувчиларга имтиёзли кредитларнинг жорий этилиши тармоқни ривожлантиришга салмоқли таъсир кўрсатиши шак-шўбҳасиздир.

Ушбу муҳим ишга бошқарма раҳбарияти ва мутахассисла-ри йил бошидан жиддий киришдилар.

(Давоми 3-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Б.У.Жўраевни II даражали «Шон-шараф» ордени билан мукофотлаш тўғрисида

Давлатимизнинг миллий хавфсизлиги, халқимизнинг тинчлиги ва оқсоқиллигини му-хофаза этиш ҳамда хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик, жасорат ва фидойилик кўрсат-гани учун Шарқий ҳарбий округ штабнинг бўлим бошлиғи марҳум Жўраев Баҳром Улуғ-бекович II даражали «Шон-шараф» ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2005 йил 23 май

Халқимизнинг тинчлиги ва оқсоқиллиги йўлида

Шарқий ҳарбий округ штаби офицери капитан Баҳром Улуғбекович Жўраев 27 ҳарбий хиз-матчи билан бирга 13 май кунини кечқурун Анди-жон шаҳри марказий қис-мидаги кўчаларда жамо-ат хавфсизлигини таъ-минлаш вазифасини ба-жараётган эди.

«Чўлпон» кинотеатри атро-фида ҳарбийлар ҳокимлик биноси томондан саросима-га тушиб югуриб келаётган одамларни учратади. Улар бир гуруҳ қуролланган жино-ятчилар шу томонга келаётга-нини айтишади. Капитан Жўраев аскарларга одамлар-ни хавфсиз жойга ўтказиб қўйишни буюради.

Соат 20.30ларда Чўлпон проспектида автоматлар, снайпер милтиқлари, парча-ланувчи қўл гранаталари, ту-тун чиқарувчи ва кимёвий гра-наталар, ёнғувчи аралашма тўлдирилган шиша идишлар билан қуролланган жиноятчи-лар тўдаси пайдо бўлади. Қуролланган жиноятчилар га-ровга олган одамларни ўзи-га пана қилган ҳолда турли томонга ўқ отиб, ҳарбий хиз-матчиларга яқинлашиб кела бошлайди.

Офицер Баҳром Жўраев вазиятни дарҳол англаб, ўз ҳаёти хавф остида қолиши мумкинлигига қарамасдан, жиноятчиларга қарши тик бо-ради ва улардан қуролларни топширишни ва гаровга олинганларни қўйиб юбо-ришни қатъий талаб қилади. Бу талабларга жавобан жино-ятчилар аёвсиз ўт очишади ва капитани ярадор қилишади. Ҳарбий хизматчилар позиция-ларни қаттиқ ўққа тутила бош-ланади. Гаровга олинганлар-нинг асосий қисми юзага кел-ган вазиятдан фойдаланиб,

жиноятчилар қўлидан қочи-б кетади. Ҳарбий хизматчилар жиноятчиларга қарши жавоб ўти очиб, офицерни ўқлар-остидан олиб чиқишади. Би-роқ, у ярадор бўлишга қара-май бўлинишни бошқаришда давом этади.

Қуролланган жиноятчилар ўзининг сон жиҳатдан қўли-гига ишониб, аскарларнинг қаршилигини енгмоқчи бўлади, бўлинишни қуршов-га олишга жон-жаҳди билан ҳаракат қилади ва уларга қар-ши тинимсиз ўқ узади, гра-наталар ва ёнғувчи аралашма тўлдирилган шиша идишлар-ни отади. Шунга қарамай, ўз командирининг қаҳрамонона жасоратидан руҳланган шах-сий таркиб жиноятчиларнинг ҳужумларини қайтариб тура-ди. Капитан Жўраев раҳбар-лигидаги бўлимининг дадил ва жанговар ҳаракатлари ту-файли жиноятчилар кўп тала-фот кўради, тўхтаб қолма-ди ва пароканда бўлади, уларнинг бир қисми қўлга олинади ва қуролсизланти-рилади, гаровга олинганлар овоз қилинади.

Ушбу жангда олган жара-ҳатлари оқибатида капитан Баҳром Улуғбекович Жўраев ҳалок бўлади.

У 1979 йил 21 ноябрда Тошкентда, хизматчилар Улуғбек ва Ширин Жўраевлар оиласида туғилган. Қорасув даҳасида ўсиб-ўлғайган.

Баҳром Жўраевни билан-лар, унинг қариндош-уруғла-ри ва яқинлари, дўстлари ва сафдошларининг айтишича, у болалик йиллариданоқ Ва-танга сидиқдилдан хизмат қилиш, бу йўлда керак бўлса жонини ҳам фидо этиш руҳи-да тарбияланган эди. Ҳарбий-тарихий мавзулардаги ки-нобларни ўқишни яхши кўрарди. Спорт билан шуғул-



ланарди, самбо бўйича мусо-бақаларда қолиб бўлган.

У мактабни тугатган, 17 ёшга тўлмасданок Тошкент Олий умумқўшун қўмондон-лик билим қўртга кириш им-тиҳонларини муваффақиятли топширди. Ўқишни тугатган-дан кейин ўтган беш йил мо-байнида хизмат поғоналари-да катта ўсишга эришди - хаво-десант қисмида жанго-вар гуруҳ командирлигидан Шарқий ҳарбий округ штаби бўлим бошлиғича бўлган йўлни босиб ўтди. Ватанга муҳаббат, қасамд ва аскарлик бурчига садоқат, юксак масъ-улият ва профессионализм каби фазилатлар офицернинг қатъий ҳаётий позициялари ва ватанпарварлик дунёқараши-ни белгиллаб берди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида кура капитан Баҳром Улуғбе-кович Жўраев давлатимиз-нинг миллий хавфсизлиги, халқимизнинг тинчлиги ва оқсоқиллигини муҳофаза қилиш ҳамда хизмат бурчини-да катта қўрсатган жасора-ти ва фидойилиги учун II да-ражали «Шон-шараф» орде-ни билан тақдирланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Андижон шаҳрида рўй берган воқеаларни текшириш бўйича мустақил комиссиясини тузиш тўғрисида

Шу йилнинг 13 май кунини Андижон шаҳрида рўй берган фожиали воқеалар бутун мам-лакатимиз аҳолиси ҳамда жа-моатчилигида чуқур безовталик ва ташвиш уйғотди. Барча жой-ларда бўлиб ўтаётган йиғилиш-ларда, Қонунчилик палатаси депутатларининг сайловчилар билан учрашувларида фуқаро-лар фақат битта саволини бер-моқдалар: одамларнинг қурбон бўлишига олиб келган, жамия-тимизнинг тинч, барқарор, бун-ёдқорона тараққиётини хавф-остида қолдирган маъмур воқеа-лар қандай қилиб рўй берди.

Андижон шаҳрида рўй бер-ган воқеалар билан боғлиқ ҳолатларни ҳар томонлама тек-шириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси-нинг Қонунчилик палатаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республика-си Олий Мажлисининг Анди-жон шаҳрида рўй берган во-қеаларни текшириш бўйича мустақил комиссиясини ташкил этилиб, унинг таркибига барча сиёсий партиялар фракцияла-ри вакиллари иловага муво-фиқ киритилсин.

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2005 йил 23 майда қабул қилинган Қарори илова

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Андижон шаҳрида рўй берган воқеаларни текшириш бўйича мустақил Комиссияси ТАРКИБИ

1. Ўйлошев Махаммадхон Мамаюнович - Ўзбеки-стон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлари, нодавлат ташкилотлар ва фуқаро-ларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси аъзоси (Комиссия раиси)
2. Абдуллаева Мухаббат - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик инсти-тутлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси аъзоси
3. Ахмедова Сорахон Топилжоновна - Ўзбекистон Рес-публикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Мудо-фаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси
4. Ботирова Зухра Баратовна - Ўзбекистон Республика-си Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва иж-тимоий масалалар қўмитаси аъзоси
5. Жабборов Собир Ваҳобович - Ўзбекистон Республи-каси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари
6. Каримов Ҳаётхон Салимович - Ўзбекистон Республи-каси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлари, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси аъзоси
7. Қозлов Анатолий Михайлович - Ўзбекистон Респу-бликаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси аъзоси
8. Саидов Акмал Холматович - Ўзбекистон Республика-си Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлари, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси
9. Толибов Иzzатулло Ибодович - Ўзбекистон Республи-каси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлари, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раисининг ўринбосари

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида

(Боши 1-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мустақил комиссияси зиммасига Андижон шаҳрида рўй берган воқеаларни синчиклаб текшириш, шу йилнинг 13 майдаги фожияли воқеаларни келтириб чиқарган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш, уларни чуқур ва ҳар томонлама таҳлил этиш, ушбу воқеаларнинг сабаб-оқибат боғланишларини, шунингдек, одамларнинг ҳалок бўлишига олиб келган жиноий ҳаракатлар ортида турган кучларни аниқлаш вазифалари юклатилди. Депутатлар Комиссияга ҳукумат ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва хавфсизлиқни таъминловчи тузилмаларнинг ҳаракатларини ҳар томонлама таҳлил этиш, бу ҳаракатларни ҳуқуқий жиҳатдан баҳолаш, шунингдек, парламентни ва жамоатчиликни текширишнинг бориши тўғрисида мунтазам равишда хабардор этиш, шу жумладан, оммавий ахборот воситаларини орқали ахборот бериб бориш вазифаларини топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Андижон шаҳрида рўй берган воқеаларни текшириш бўйича мустақил комиссиясини тузиш тўғрисида

(Боши 1-бетда)

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатидан комиссия таркибига киритиш учун Сенат аъзоларини тайинлаш сўралсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Андижон шаҳрида рўй берган воқеаларни текшириш бўйича комиссияси зиммасига қуйидаги вазифалар юклатилсин: Андижонда рўй берган воқеаларга оид барча ҳолатларни синчиклаб текшириш, воқеалар жараёнини чуқур ва ҳар томонлама таҳлил этиш; шу йилнинг 13 майдаги фожияли воқеаларни келтириб чиқарган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш; мажбурий воқеаларнинг асосий сабаб-оқибат боғланишларини, шунингдек, одамларнинг қурбон бўлишига олиб келган бу жиноий ҳаракатлар ортида турган кучларни аниқлашга алоҳида эътибор қаратиш;

ҳукуматнинг ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва хавфсизлиқни таъминловчи тузилмаларнинг ҳаракатларини ҳар томонлама таҳлил этиш, бу ҳаракатларни ҳуқуқий жиҳатдан баҳолаш.

Бунинг учун юқори малакали мутахассислар жалб этилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Андижон шаҳрида рўй берган воқеаларни текшириш бўйича комиссияси парламентни ва жамоатчиликни текширишнинг бориши тўғрисида мунтазам равишда хабардор этиш, шу жумладан, оммавий ахборот воситалари орқали ахборот бериб бориш.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери Э.ХАЛИЛОВ

Тошкент шаҳри, 2005 йил 23 май.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Андижон шаҳрида рўй берган воқеаларни текшириш бўйича мустақил Комиссияси ТАРКИБИ

(Боши 1-бетда)

10. Умарова Шоира Окбутаевна - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Мехнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раисининг ўринбосари

11. Усаров Олим Авалбоевич - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси

12. Вохидов Эркин Воҳидович - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси

13. Минов Бахтиёр Мирзаханович - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси раиси

14. Рустамбоев Мирзаюсуф Хакимович - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари

15. Собиров Илгизар Матқубович - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси

16. Усмонов Маъруф Ағзамович - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари

Юртимиз келажаги ўз қўлимизда

Бундан бир неча кунлар муқаддам Андижон шаҳрида юз берган, миллиятимиз шаъни, орномуси учун нунонуси бўлган, халқимизнинг тинчлиги, оқсоғишларига ва хавфсизлигига анчайин раҳна солган фожияли оқибатлар билан кечган ноҳус воқеалар, шубҳасиз, ҳар бир софиди, диёнати юрт фуқароси қалби, дилида жиддий таъшиш, безовталиқ ва катта ачинаш кайфиятини тўғдирди.

Айниқса, бунда онги, тушунчаси ёт диний экстремистик гоялар билан захарланган бир гуруҳ террорчи гуруҳларнинг муайян кучлар, оқимлар кутқусига учиб, мададига таяниб қурол-яроғ билан иш қўриб, шаҳарнинг бир қатор ҳаётини қамқовларига ҳужум уюштириши оқибатида қон тўкилиб, анчайин қурбонлар берилганлиги киши қалбини беихтиёр чуқур қайғу ва паразга солади, ўйлаш, фикрлашга қўнғиради. Ҳўш, бу қонли, изтиробчи воқеалар жараёни нимадан келиб чиқди, уни қимлар содир этди ва нима мақсадда, қандай муддаваларни қўзлаб, деган саволлар ўз-ўзидан келиб чиқди. Шу ҳусусда чуқур ўйлаб бош қотира эканмиз, бу воқеалар замирида қўн қарсалаётган аниқлиқни, одамлар ҳаётидаги муайян муаммоларини, зиддиятларни қўпиртириб, худди "пашададан қил ясаш"га уринувчи қўнларнинг бундан ўз гаразли мақсадлари йўлида фойдаланишга уриниш, уларга бошқача тус, мазмун беришга ҳаракат қилганлигини қўзатиш мумкин бўлади. Сўнгра, собиқ совет тузумидан ҳалос бўлиб, ўз

мустақил тарққиёти йўлига кирган Украина, Грузия ва қўшни Киргизистонда юз берган турли хил номлар билан аталган "инқилобий" ўзгаришлар ва уларни амалга оширган муайян кучларнинг ҳам Андижон воқеаларига қандайдир даражада таъсири ҳам ҳисобга олмаддан бўлмайди. Жумладан, сўнгги кунларда Андижон аҳолисининг юз берган воқеалардан норози бўлган бир қисмининг гўёки "қочқилар" сифатида талқин қилиниши ҳам тасодифий эмаслигини.

Шу кунларда турли хил халқаро ахборот агентликлари, матбуот органлари Анди-

МУНОСАБАТ

жон воқеаларини фавқулодда кизиклиш билан қўзатиб, унинг ҳар бир тафсилотида алоҳида урғу бериб, ёхуд аниқланмаган, исботланмаган тахминларга асосланиб, халқаро жамоатчилик эътиборини қалғитиб, қўн ҳолларда уни бир ёқлама, гаразли тарзда ёритишга ҳаракат этмоқдалар. Бу билан улар мустақил юртимизнинг ички ишига беусита аралашилишга қўнмай, унинг жаҳон майдонидан қўнфузи ва обрўсини шубҳа остига олишга уринмоқдалар.

Еш, мустақил, суверен давлатимизга, унинг ўз буюк келажини яратиш йўлидан илғирлаб боришига ғов бўлаётган, унда шақллантирилган, муваффақиятли фаолият юрғутаётган демократик институтлар шаънига қўн солаётган бу хилдаги ахборот журужлари билан биз асло қикшиш олмаймиз.

Бу мустақил юрт одамларининг бирлиги, ижтисоий,

(Боши 1-бетда)

Тайёр кийим-кечаклар билан савдо қилишда Ченду мамлакатда Шанхайдан кейин иккинчи ўринда туради. Шаҳар дунёдаги қўнлаб тараккий этган давлатларга тайёр маҳсулотлар экспорт қилади.

Биз Чендудаги Хэчуачи бозорида бўлидик. Бу бозорнинг доғруғи ҳақида хитойликлар бизга фахрлиб гапириб беришди. Бозор қарийб 400 минг квадрат метрдан қўнроқ майдонни эгаллар экан. Савдо дўконлари сони



13 мингтадан ортиқ. Бозор раҳбарияти бизга бу ерда ўттиз минг номдаги тайёр маҳсулотлар - кийим-кечаклар, пойабзаллар, безаки тақинчоқлар, пластмасса буюмлар сотилишини айтиди. Бозор тайёр маҳсулотлар турига қўн ўн тўққизта ихтисослашган савдо худудига бўлинган. Уларни айлансангиз, маҳсулотларнинг қўнлиги, сифатлиги ва ранг-баранглигидан қўнзингиз қамашади. Нарҳининг арзонлигини айтимасизми? Айтишларича, сотилаётган буюмларнинг арзонлиги жиҳатидан Хэчуачи бозори мамлакатда шўҳрат қозонган бўлиб, улғуржи савдо бўйича Хитойдаги бозорлар ўртасида ик-

кинчи ўринда тураркан. Товар айланмасининг 80 фоизини вилоятда ишлаб чиқарилган маҳаллий буюмлар ташкил этади. Биз бир неча энгил саноат корхоналарида бўлиб, Хэчуачи бозорида яратилган мўъжизанинг сирини билдик.

Шунингдек, бу бозорнинг савдо расталарини Шанхай, Гуандун, Чжэцзян, Фуцзян каби вилоятларда ишлаб чиқарилган қўнри сифатли маҳсулотларнинг юксак намуналари беэаб турибди. Бозор айланар эканмиз, қўнни қамаш-

монларнинг эътиборларини торттиш мақсадида алоҳида хизмат қўрсатиш компаниясини ташкил этган. МДХга аъзо мамлакатларга самолётларнинг чартер қатновларини йўлга қўйиш, божхона хизмати ташкил қилиш, товарлар сифатини инспекциядан ўтказиш, ҳайвонот ҳамда ўсимлик дунёси бўйича қафолат бюроси, солиқ ва банк хизмати, Хэчуачи бозорининг савдо-саноат ишлари бошқармаси фаолияти устидан маъмурий назорат ўрнатиш ана шу ком-

пания томонидан амалга оширилади. Шунингдек, компания четдан келган тадбиркорларга, харидорларга, сайёҳларга гид-таржимон ва харид бўйича маслаҳатчи ажратиш, харид қилинган буюмларни шу жойнинг ўзиде ураб-боглаб, расмиёлаштириб, аэропорт ёки вокзалга етказиб бериш ва хариддорнинг юртига жўнатиб қўриши каби қўншуларни ўз зиммасига олади. Ҳатто ҳисоб-китобдаги, божхонадаги ва бошқа жараёнлардаги расмиёчиликлар ҳам компания зиммасида. Энғ муҳими, компания бу хизматларнинг ҳаммасини бепул амалга оширади.

Тўғриси, биз сичуанликлар тажрибаси билан ҳайратланиб

ЎЗБЕКИСТОН - ХИТОЙ:

Сичуань - "ОСМОНДАГИ ЖАННАТ"

пация томонидан амалга оширилади. Шунингдек, компания четдан келган тадбиркорларга, харидорларга, сайёҳларга гид-таржимон ва харид бўйича маслаҳатчи ажратиш, харид қилинган буюмларни шу жойнинг ўзиде ураб-боглаб, расмиёлаштириб, аэропорт ёки вокзалга етказиб бериш ва хариддорнинг юртига жўнатиб қўриши каби қўншуларни ўз зиммасига олади. Ҳатто ҳисоб-китобдаги, божхонадаги ва бошқа жараёнлардаги расмиёчиликлар ҳам компания зиммасида. Энғ муҳими, компания бу хизматларнинг ҳаммасини бепул амалга оширади.

Тўғриси, биз сичуанликлар тажрибаси билан ҳайратланиб

танишдик ва уларга ҳавас қилдик. Биз - бир гуруҳ журналистларга тадбиркор бўлмасак ҳам, ҳар биримизга алоҳида-алоҳида гид-таржимон ҳамда бозор хизмати бўйича маслаҳатчи ажратишди. Дўкон эгалари билан сотувчиларнинг илтифоти манзиратларидан ийиб кетиб бирор нарсга харид этсангиз, албатта, меҳмонна-возлик қилишади. Ҳеч бўлмаганда, кофе билан сийлаб, чиройли целофан сумка совға қилишади. Агар қўнроқ нарсга харид қилсангиз, ресторанда зиёфат бермасдан қўйиб юборишмайди. Хуллас, улар ўз маҳсулотларини ўтказиш, яъни сотиш учун барча имкониятларни ишга солишади. Тўғриси, ўрганса арзийдиган тажриба. Сичуанликлар ўз тажрибалари билан фахрланишади. Чунки бу тажрибадан мамлакатнинг бошқа вилоятлари ҳам ибрат олишмоқда.

Маълумки, Ўзбекистон - Хитой муносабатлари йилдан-йилга ривожланиб, икки давлатнинг савдо иқтисодий ҳамкорлиги тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Бизнинг бир-биримиздан ўрганадиган жиҳатларимиз қўн.


Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Хитой Халқ Республикасига давлат ташрифи, сўзсиз, икки томонлама ҳамкорлик доирасини кенгайтиришда янги саҳифалар очади. Бу ташриф чоғида савдо-иқтисодий ҳамкорлиқни кенгайтириш имкониятларидан ташқари минтақавий хавфсизлик масалалари ҳамда томонларни қизиктирган халқаро муаммолар муҳокама қилинади. Айниқса, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти доирасидаги алоқалар тобора мустаҳкамланиб бораётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур.

Биз юқориде ақин ҳамкоримиз бўлган бугунги Хитойнинг салохиятини Сичуан вилояти мисолида талқин етдик. Жаҳонда бу мамлакатнинг бўйбасте алоҳида салобат билан қўзга ташланиб турибди.

Иброҳим НОРМАТОВ, сийсий шарҳловчи.

Qishloq HAYOTI

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган



Ўрта Осиёда ягона бўлган «ЎДЭУавто» қўша корхонаси ўз фаолияти давомида жаҳон андозаларига тўлиқ жавоб бера оладиган автомобиллар ишлаб чиқаришга эришди. Корхонада 2005 йилнинг 1 чорағида 15199 дона, жумладан, 10667 дона «Нексиа» автомашинаси сотувга чиқарилди. Бу ўтган йилнинг шу даврига қараганда 2,5 марта қўндр. Ҳозир корхона муҳандислари «Матиз» автомашинасининг янги русумини ишлаб чиқариш борасида изланишлар олиб бориша-япти.

СУРАТЛАРДА: корхона ҳаётидан лавшалар. Б. АҚРАМОВ олган суратлар.

ХАБАР

Янги навлар

Уруғлик пилла ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган Урганч тумани хўжаликлари ва Янгибозор туманидаги "Халқобод" фермерлар уюшмаси пиллакорлар катта хирмон уюш ниятида меҳнат қилишаёттир.

Андижон ва Самарқанд пилла наслчилик хўжаликларида келтирилган "Орзу-Асака" ҳамда "Юлдуз-Марҳамат" зотли ипак қўнларининг 300 дан ортиқ қўтиси "қумуш тола" икдоркорли томондан парваришланмоқда.

Бўлғуси ҳарбийлар беллашганда

Урганчдаги "Динамо" спорт мажмуъасида ва Урганч ҳарбий лицейида "Амир Темур авлодлари" спорт мусобақалари бўлиб ўтди.

Унда Самарқанд, Тошкент, Андижон, Урганч ҳарбий лицейлари ва Фарғона хўхқу лицейи тингловчилари энгил атлетика, гимнастика ва ҳарбийлаштирилган эстафета бўйича беллашди. Мусобақа якунларига қўра, тошкентлик бўлғуси ҳарбийлар ва зобитлар бош савринини қўлга киритишди.

Пўлатбек БЕКМЕТОВ

Олмоқнинг бермоғи бор

энергияси ҳисобига турли ноқонуний ҳаракатлар содир этилган.

Баҳмал тумани "Галлаконт" ширкат хўжалиги раҳбарлари хўжалигининг бир йил давомида фойдаланган электр энергияси учун қатта миқдорда қарзи бўлгани ҳолда туман электр тармоқлари корхонаси мансабдор шахслари билан ўзаро жиноий тил бириктириб, фойдаланмаган электр энергияси учун 46,0 млн сўм қарздорлик тўғрисида таққослаш далолатномаларини туздилар. Қизғин, бунга ўқаша қўнқунбуларига Косон тумани ЭТК филиали, "Навоий электр тармоқлари" ОАЖ фаолиятларига ҳам ҳосидир.

"Ўзбекэнерго" ДАК тизимига кирувчи корхоналарда мавжуд қамчиликлар бугина эмас. Солиқ ва мажбурий акцияларни ўз вақтида бюджетга тўламаслик, даромадни қасддан яшириш ҳамда солиқ тўланадиган базани қасддан қамтитириш каби жиноий ҳаракатлар ҳам қўнлаб содир этилган иш ошкор бўлди. Ҳусусан, республика Бош прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш Департаменти томонидан Кибрай туманида жойлашган "Тошкент иқтисодий электр станцияси"да ўтказилган текширишда корхона мансабдор шахслари томонидан солиқ қўнқунчилиги талаблари қўнп сўрётда бўлиб, 986,7 миллион сўм даромад солиғи бюджетга тўланмаганилиги, ҳужжатлар бўйича кам келган ва сарфланмаган 5,5 миллиард сўмлик 154,1 тонна мазут ёқилиғи асоссиз равишда маҳсулот таннариҳга қўнқунчилиги аниқланиб, солиқ органи томонидан корхонага солиқ 15,6 миллиард сўм қўнқуна солиқ ва молиявий жарима-лар қўнқунлидир.

Яна бир мисол. "Навоий электр тармоқлари" ОАЖда ўтказилган текширишда жамият раҳбари О.Жиянов ва бош ҳисобчи А.Менглиевлар 2003-2004 йиллар давомида солиқ ҳисоботларини нотўғри юритиб, давлат бюджетига

га тўланиши лозим бўлган 1,6 миллиард сўм солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаб келганлар ёки Урганч тумани электр тармоқлари корхонаси мансабдор шахслари эса энергия сотилиши ҳақидаги ҳисоб варақаларини белгиланган тартибда расмиёлаштирмаганликлари натижасида корхонага нисбатан 15,5 миллион сўм молиявий жарима қўнқунлидир.

Шу каби "Тошкент шаҳар электр тармоқлари" ва "Тошкент электр тармоқлари" ОАЖлари мансабдор шахслари нисбатан ҳам солиқ солинадиган даромадларни яшириш ҳолати юзасидан жиноят ишлари қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб боришмоқда.

Идоравий назоратнинг етарли эмаслиги, кадрларни танлаш тўғрисида қўнқунчилиги оқибатида компания тизимидеги қатор корхоналарнинг раҳбар ва бошқа маъсўл шахслари хизмат мансабини суиистеъмоал қилиш, ўзгалар мулкни талон-тарож қилиш каби жиноятларга бош қўнганлар.

"Сирдарё электр тармоқлари" ОАЖнинг собиқ бошлиғи А.Қўнқоров корхонанинг кабелъ йўналишларини таъмирлаш бўлими, устаси У.Маматов ва Қашқадарё вилояти Ҳузур туманидаги "Этиод" фирмаси раҳбари М.Мансуров ва бошқалар билан жиноий тил бириктириб, фирма ҳисоб рақамига 2 та трансформаторлар сотиб олиш учун 132 миллион сўм ўтказиб берган. Мазкур трансформаторлар аспиде 107 миллион сўм эканлиги аниқланган ва қиммат баҳода олиниши натижасида фирмага ўтказилган 24,3 миллион сўм нақд пул сифатида ўзаро бўлишиб олинган.

Шу каби А.Қўнқоров "Иқлимбўй" фирмасига ҳам ҳақиқий нархи 62,3 миллион сўмлик 1 дона трансформатор учун 99 миллион сўм ўтказиб бериб, орадаги фарқ - 36,7 миллион сўмни фирма раҳбари билан ўзаро бўлишиб олган.

Текширишларда яна аниқланишича,

Олмоқнинг бермоғи бор

айрим электр тармоқлари корхоналарининг маъсўл шахслари томонидан хизмат мансабининг суиистеъмоал қилиниши ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг электр энергиясидан оқилона фойдаланиши устидан етарли даражада назорат олиб борилмаганлиги оқибатида электр энергиясидан ўзбошимчилик билан фойдаланиш ҳолларига йўл қўйилган. Шу билан бирга иқтисодиётнинг бир қатор тармоқларида, электр ва иссиқлик энергиясидан фойдаланиш бўйича рухсатнома ва лимит олмаслик, ҳисобга олиш приборларидан ноқонуний фойдаланиш, электр энергиясидан фойдаланиш таъқиқловчи муҳрларни бузиб ўзбошимчилик билан улаб олиш ҳолатлари мавжудлиги ҳам ойдинлашди.

Жумладан, Андижон вилояти Хонобод шаҳар марказий шифонасининг қўнқули касаликлар бўлимига ўрнатилган электр ҳисоблагич ЭТК назоратчилари томонидан назорат қилинмаганлиги натижасида ҳисоблагич муҳри бузилиб, қўрсаткичи орқага қайтарилганлиги оқибатида шаҳар электр тармоғи филиалига 2 миллион сўмдан ортиқ зарар келтирилган. Шу каби Андижон шаҳар электр тармоқлари филиали ҳодимларининг назоратсизлигидан фойдаланган "Бинокорлик" ишлаб чиқариш корхонаси ҳодимлари электр энергияси ўзиб қўйилганлиги қарамадан, ўзбошимчилик билан тармоққа улашиб, 1,9 миллион сўмлик электр энергиясидан ноқонуний равишда фойдаланган.

Бундан ташқари, Қашқадарё вилояти Қарши туманидаги "Жўра Сатор" кичик корхонаси раҳбари Ш.Жўраев, электр ҳисоблагич муҳрини бузиб, уланмиш схемасини ўзгариштириб, ҳисоблагични тўхтатиб қўйган ва бир йил давомида ҳисоблагични ишлатмаган ҳолда камер ямаш устакхонасини электр билан таъминлаб келган.

Юқориде қўрсатиб ўтилган қўнқунчилиги ҳолатларига "Ўзбекэнерго" давлат акциядорлик компаниясининг қўнқули тизимидеги корхоналар фаолияти эътибордан четда қолдирилганлиги, кадрларни танлаш тўғрисида қўнқунчилиги, қамчиликларни ўз вақтида бартараф этишни тасъирчан чоралари қўрилганлиги сабаб бўлган.

Бир сўз билан айтганда, лоқайлик, беғамлик муаммоларининг "урчиши"га шароит яратган. Бундай қайғият билан узоққа бориш мумкин эмаслиги бу гал яна бир қарра исботини тоғди.

М.ШАРАФУТДИНОВ, Республика Бош прокуратурасининг бошқарма катта прокурори.

Бир фараз қилиб кўриниш. Кўп эмас, атиги бир кунгина унингизда ичимлик суви келмай қолди дегилки (тўғри, баъзан бу ҳолини фараз қилиш эмас, аксинча амалда гувоҳ бўлиш ҳам мумкин). Қандай аҳолига тушасиз?

Очиги, ҳар қандай кишининг ҳам мана шундай пайтдаги аҳолини тасаввур қилиш унчалик қийин эмас. Кимдир қаттиқ асбиблишадиган, кимнингдир ҳуноби, яна бировнинг эса фиғони фалакка чиқади. Баъзилар бундай шароит юз берганда тармоқда бирор қорхон бўлганда, деяр бунга ўзича ёндошиб ҳам қўлади. Айрим ҳолларда роҳатдан ҳам шундай бўлиб чиқishi мумкин. Аммо ҳозир асосий айтмоқчи бўлаётган гапимиз бунда эмас. Сўз – об-ҳаётнинг қадри ҳақида кетаяпти. Чунки одамзоднинг табиғатиға хос бўлган бир хислати бор. Яъни, нимаки мўл бўлса шу нарсаи исроф қилишга ўрганган. Ана шу неъмат эҳтиёжга етмай қолгудек бўлганга бошдан дўпписини олиб ўйлашга тушади. Шундан кейингина қадри ҳақида фикр юритади. Бироқ, дўппи деганимиз ақалда ечилавермас-чи?.. Келинг, шу ўринда бир мисолни келтириб ўтайлик. Яхши биласизки араб мамлакатларида йил-йили ой иссиқ ҳарорат сақланади. Шундай бўлсада бу минтақада ичимлик суви нисбатан кам сарфланар экан. Маълумотларга қараганда мазкур давлатларда бир киши бир кеча-кундузда бори-йўри 70 литр тоза ичимлик суви ишлатаркан. Европа мамлакатларида эса бу кўрсаткич 180 литрга тўғри келади. Ҳўш, бизда-чи? Афсуски, юртимизда об-ҳаётни сарф қилиш белгиланган меъёрдан юқори. Аниқроқ айтганда бўлса, биз ичимлик сувини ўз эҳтиёжидан кўра кўра қисмигагина ишлатаямиз, ҳолос. Каттагина микдорини эса исроф қиламиз. Ачинарли томони шундаки, исрофгарчиликка йўл қўётганларнинг қўчилиши об-ҳаётнинг қанчадан-қанча машаққат қаттагина маблагъ эвазига

хонадонларимизга етиб келишини ҳатто тасаввур ҳам қилиб кўришмайди. Йўқса, бунга йўл қўйишмаган бўларди.

Юртимиз ҳудудидagi асосий сув ресурслари бўлган Амударё ва Сирдарё хавзалари ҳозирги кунда деярли тўлиқ ишлатилмоқда. Қарангки, биз сувини нафа-

қариб, юртимиз аҳолиси ва қорхоналарига етказиб бермоқда. Шаҳарлар, қўрғонлар ва туман марказларининг 87,5 фоизи, қишлоқ аҳолисининг эса 65,9 фоизи ичимлик суви билан таъминланган.

Республикамизнинг сифатли ичимлик суви йўқ бўлган гарбий

таннарх электр энергиясининг кам ёки кўп сарфланиши даражасига қараб 20-30 сўмдан 65-85 сўмгача, баъзи жойларда эса ҳатто 130-150 сўмгача етмоқда. Дарвоқе, баъзилар ўйлаганидек сувини аҳоли хонадонларига етказиб бериш шунчаки манбадан олиб уни узатиб бериш билан

ди. Чунки айти пайтда узатилаётган ичимлик сувининг оз эмас, кўп эмас нақд 30-40 фоиз айнан ишдан чиққан ички тармоқларда йўқотишмоқда. Шаҳар ва туманлар марказларида сўғирчи ариқларнинг деярли йўқлиги, борларнинг эса қаровсизлиги, ҳибон ва ободонлаштириш ишлариға ҳеи иккхланмай ичимлик сувининг сарфланиши ҳам йўқотишларнинг келиб чиқишиға сабаб бўлмоқда. Натхжада кўп қаватли уйлариинг юқори қаватлариға сув чиқариш ҳам муаммо бўлиб қолмоқда.

Аҳолиға коммунал хизмат кўрсатиш тизимида иктисодий ислохотлариин чуқурлаштириш концепциясига мувофиқ ҳамда ичимлик сув энергоресурслари тежааш ва бу соҳада хисоб-китобиин йўлга қўйиш мақсадида жорий йўлға қўйиш 11 февралда Вазирилар Маҳкамасининг 61-сонли қарори қабул қилинди. Мазкур қарор бўйича уй-жой фондиин сув сув ўлчағи асбоблари билан 2007 йилнинг биринчи ярим йилигача таъминлаш дастури тасдиқланди. Дастурға мувофиқ республикамизда уй-жой фондининг 2507692 та абонентига сув хисоблагичлар ўрнатиш кераклиғи белгиланган бўлса, шу йилнинг 1 май ҳолатига қадар жами 556473 абонентга шундай усуналар ўрнатилиб, топириқ 22,2 фоизға бажарилди. Афсуски, айрим вилоятларда бу ишда сусткашликка йўл қўйилмоқда. Уттан давр мобайлида сув ўлчағи асбоблариин истеъмолчиларға ўрнатилиши тахлили шуни кўрсатдики, Жиззах (4,2%), Сирдарё (5,8%), Сурхондарё (11,4%) ҳамда Андижон вилоятларида бу соҳада қолқиликка йўл қўйилмоқда. Очигини айтганда, мазкур вилоятларда бу масалаға етарлича аҳамият берилмапти. Бу эса ичимлик сувини тежааш ва сув ресурслариинда оқилона фойдаланиш мониторингини кўнгулдагидек олиб борилаётганлиғидан далолат беради.

Хозирда республикамизда асосан ўтган асрининг 60-70 йилларида ётқизилган, вилот хохимликларига қарашли бўлган 1064 километргади пўлат қувурлар ишдан чиққан ва янгилашга муҳтож бир ҳолатда. Аммо маблаглар эвазига узак масофаларға сув кўтариш насослари орқали етказиб беради. Марсалан, хисоб-китобларға қараганда, 1 м3 ичимлик сувининг

битмайди, албатта. Кимгадир бу иш осондек туюлиши ҳам мумкин. Аммо дарёлардан олинган сувини ичкиға яроқли ҳолға келтиришға бўлган жараён ҳам қаттигина машаққатли талаб этади. Асосий қисмлар электр энергияси, сувини лойқадан тозалашда фойдаланиладиган қол-агултан, қисмлардан тозалаш учун қлор, насос ва бошқа электр билан қарақатға келувчи усуналар сотиб олиш, сув узатиш магистрал қувурлари ҳамда ички қувурлардан фойдаланиш, уларни ўз вақтида алмаштириш ва бошқа қарақатлар эвазига бу босқич яқуниға етиши мумкин.

Хозирда республикамизда асосан ўтган асрининг 60-70 йилларида ётқизилган, вилот хохимликларига қарашли бўлган 1064 километргади пўлат қувурлар ишдан чиққан ва янгилашга муҳтож бир ҳолатда. Аммо маблаглар эвазига узак масофаларға сув кўтариш насослари орқали етказиб беради. Марсалан, хисоб-китобларға қараганда, 1 м3 ичимлик сувининг

Анвар МУҲАММАДИЕВ, "Ўзқоммухизмат" агентлиги тизимидagi Бош дирекция директорининг биринчи ўринбосари.



Навбатдаги ғалаба

Профессионал боксда муваффақиятли жанглар ўтказётган ҳамюртимиз Фарҳод Бакиров ўзининг навбатдаги "муштлашуви"ни ўтказди.

Токиодаги Korakuen Hall саройида тайландлик Рихден Вор Супаполаға қарши рингға кўтарилган ватандошимиз рақибидан ҳар томонлама устунлигини намойиш эта олди.

Ҳар раундлик жангининг тўртинчи раундида Фарҳоднинг қучли ва аниқ зарбалари оқибатида икки бор тайландлик боксчи рингға қулади ва ўчрашув рефереси ўзбек чарм қўлқоп устасини соф ғалабасини маълум қилди.

Фарҳод Бакиров профессионал боксдаги фаолиятини 1995 йил 19 март кун башлаган. Шу кунгача 23 бор рингға кўтарилган боксчиини янгирма битта жангини ғалаба билан якунлаган. Ҳар тўрт рақибини ноқуатта ўчратган бўлса, икки жангда дуран натижа қайд этган. Қучлилар қаторида эса WBA рейтингида тўққизинчи ўрини эгаллаб турибди.

МДХда – учинчи

Халқаро Футбол федерациялар ассоциацияси (ФИФА) терма жамоаларининг навбатдаги рейтинг рўйхатини эълон қилди.

Рўйхатда биринчи понтанга сўнги жаҳон чемпиони Бразилия 831 очко билан эгаллаб турибди. Кейинги ўринларни эса Чехия (784 очко) ва Аргентина (778 очко) билан банд этган.

Ўзбекистон миллий терма жамоаси эса 586 очко билан олдинги рейтингдаги ўрини сақлаб қолган (54-ўрин). Бу кўрсаткични МДХ давлатлари билан солиштирсак, биздан олдинги понтанга Россия (30) ва Украина (39) терма жамоалари жойлашган.

Германияда ўтадиган жаҳон чемпионати саралаш босқичидаги рақибларимиз Жанубий Корея ва Саудия Арабистонини терма жамоалари эса май ойи рейтингида 21 ва 31-ўринларға лойиқ топилган. Яна бир гуруҳдаги рақибимиз Кувейт термаси эса 155-понтанга жой олган.

"Машъал" голиб, "Насаф" эса...

Футбол бўйича олий лига жамоалари ўртасида ўтказилган 8-тур баҳслари олдингиларидек қутилмаган натижаларға бой бўлди.

Ҳар мавсум чемпионатнинг совринли ўринлари учун курашиб келган "Нефтчи" жамоаси негадир XIV миллий биринчилида яхши ўйин намойиш эта олмапти.

Муборакнинг "Машъал" клубиға қарши майдонда тушган Юрий Саркисян шоғирдлари бу турни 2:0 ҳисобидаги мағлубият билан якунлади ва турнир жадаллидаги тўртинчи ўрини еттинчи понтанга жаллаштиришға мажбур бўлди. Чемпионат пешқадами "Насаф" эса Тошкентнинг "Трактор" жамоаси билан дуран натижа қайд этди – 2:2. "Пахтакор" лига дебютанти "Шўртан"ни 4:0 ҳисобида мағлубиятға учратди.

Турнинг қолган ўчрашувларида эса қуйидаги натижалар қайд этилди: "Самарқанд-Динамо" – "Бухоро" 2:0, "Қизилқум" – "Навбахор" 1:0, "Локомотив" – "Сугдйена" 5:0, "Тўпаланг" – "Металлург" 2:4.

8-турдан сўнг пешқадамлик ҳамон 20 очко билан "Насаф" жамоаси қўлида. Иккинчи ўринда эса 16 очко жамгарган "Пахтакор" жамоаси бормоқда. Лекин "пахтакор"чилар қаршиликлардан бир ўйин кам ўтказишган. Худди шунча очко жамгарган "Машъал" учинчи ўринға жойлашган.

Камар ўзида қолди

Америкалик оғир вазили боксчи WBO версияси чемпиони Леймон Брюстер ўзининг навбатдаги жангини ўтказди.

Чикагода бўлиб ўтган жангда чемпион ўз камарини яна бир ватандоши, лекин келиб чиқибди



польшалик бўлган чарм қўлқоп устаси Анжей Голотадан ҳимоя қилиш учун рингға кўтарилди.

Сўнги йилларда профессионал боксда ишончли ғалабалари қўлга киритаётган Брюстер бу жангда ҳам муҳлислариға ғалабани кўп қуттириб қўймади. Муштлашувининг 53-сониясида Леймоннинг қучли зарбаларидан рингға қулаган Голотанинг жонига жанг рефереси Женееро Родригес оро кирди ва "муштлашуви"ни тўхтатди. Шу тариқа Брюстер ўзининг чемпионлик камарини иккинчи бор ҳимоя қилган бўлса, Голота кетма-кет иккинчи бор чемпионлардан мағлубиятға учради. Охириги марта WBA чемпиони Жон Руиз ҳам ундан ўз камарини муносиб ҳимоя қилганди.

Шартнома узайтириладими?

"Феррари" жамоаси Михаил Шумахерға яна бир мавсум учун шартнома тузишни таклиф қилмоқда.

АФРнинг хабарига қўра, "Скудерия" дунёнинг етти қарра чемпиониға 2007 йилда 30 миллион евро тўлашға тайёр.



Михаил Шумахернинг "Феррари" билан тузган шартнома мuddати 2006 йил якунида нихоясига етди. Немис пойтахти кейинги режалари билан хозирча ўрталашгани йўқ. Аммо, тўрт қарра "Формула-1" чемпиони Алан Простнинг фикрича, Шумахер 2005 йилги чемпионатдан сўнг пойгадан умуман кетиши мумкин. Бироқ, "Феррари" жамоасининг техник директори Росс Брауннинг таъкидлашча, бу саволға фақатгина Шумахернинг ўзи жавоб бера олади.

Жорий мавсумда "Феррари" ва унинг пойгачилари анчагина омадсиз иштирок этмоқда. Беш босқичда Шумахер 10 очко йиғишға муваффақ бўлди. У бирор марта ҳам ғалабаға эриша олмади. Хозирча жамоанинг ҳисобида бор-йўри 18 очко мавжуд. Росс Браун эса бунда Шумахерни айб-лаётгани йўқ. У чемпионатдаги омадсизликлар учун жамоа ҳам жавобгарлигини таъкидламоқда.

Фазлиддин АБИЛОВ тайёрлади.

Ажойиб инсон эди

Сирдарё вилоти йўлида бир ошхонада тўхтадик. Мақсад – саратон жазирасида бир пиёла чой ичиб, ўзимизға келиб олиш эди. Ошхона ходимлари ва миҳозлари Эргаш Каримовни таниб қолишди. Эргаш Каримов қайновимиз Исмоил акаға: "Ота, нима қиламиз?" деган маънода юзланди.

Орамизда сиздай хаваскор нуруний борлигидан айланай, нима қилардик, биз эл билан ўчрашгани, сўхбатлашгани чиққанмиз. Мана, сафаримиз дастури бошланди, деб ҳисоблайверасиз, – дедилар.

Ошхонада одам кўпайиб кетди. Эргаш Каримов йиғилганларға юрағидagi яхши гапларни айтди, бир неча қизик ҳангомаларни ижро мурияти нуруний-тиб, хайрлашар чоғи иккхларни бошлаб учун раҳматлар айтди.

Укам, бараха топинг, биз қарияларни бир сийлаган бўлсангиз, Аллоҳ сизни минг қарра сийлайди, ҳали. Қарияларнинг қадами бу даргоҳға файзу барақа келтиради, мана, қўрасиз, – дедилар.

Жиззахға йўл олдик. Ҳарашув шаҳарининг гавжум бир маҳалласида ўтказилди. Бу ерда Матқўб Қўшонов, Азиз Қўмов сўзладилар. Азиз Қўмов сўздан кейин бир қария: "Бали, домла, шундай сўзладингизки, бамисоли Навойининг ўзи бугун Жиззахға келгандай бўлди", деди.

Ҳарашувни бошқараётган Исмоил ака йиғилганларға: "Жиззахға кимни бошлаб келишни биламиз-да, қойил-мисиллар? – деди ҳазиллашиб.

Жиззах раҳбарлари: "Исмоил ака, сиз бошлаб келган азиз инсонлар қадамиға қўй сўйсак арийдик, сизларнинг изингиздан Жиззахнинг барча ариқлари ва каналлариға сув келиб қолди", деб алқаб гапиришди.

Эртасига Самарқандға бордик. Самарқанд Давлат университети залида талабалар билан ўчрашув бўлди. Академик Азиз Қўмовға сўз берилди.

У Навойи бобомиз ҳақида чиройли маъруза қилди. Ҳарашувни якунлар экан, Исмоил Сулаймонов залдагиларға: "Келганимиздан рози бўлдингларми?" деб мурожаат қилди қулиб. Жавоб ўрнида зал яна қарсақлардан ларзаға келди.

Ха, бу ўчрашувлар чиндан ҳам мароқли бўлди. Сафаримизнинг сўнги соатларида эса Исмоил ака қамнаға деди: "Менга ҳамроҳ бўлинг, Самарқандда яна битта инсоний бурчимин бажаришга зарур."

Бош устиға, Исмоил ака, – дедим ва индамай унга эргашдим.

Маълум бўлишча, устоз журналистнинг оталари бир вақтлар Самарқандда вафот этган эканлар. Биз ана шу марҳум отанинг қабрини зиёрат қилгани йўлга тушдик. Менга бир нарсжа жуда таъсир қилди: Исмоил ака ўзлари етмишдан ошиб, мўйсафид бўлиб қолган. Аммо у отасининг қабри бошида айбдор ёш боладай бўйинни эгиб, марҳум ота рўҳиға мурожаат эта бошлади:

"Адажоним, асосолу алайкум! Мени кечиринг, олис йўл, келиб тез-тез сиздан хабар ололмапман. Олдингизда чексиз гуноҳкорман. Мана шу лаҳзада бошингизда эканлигиндан мамнунман. Оллоҳдан сўровим: руҳингиз шод, охиратингиз обод бўлсин, адажон..."

Шундай деяр устоз қабр атрофини ҳас-ҳашакдан тозаллади, тош лаҳзадаги ота суратини сийпалаб, қалин губорларини артди...

Орадан неча йил ўтди. Исмоил аканинг оталари қабри қошидаги бундай болаларча илтиҳосини зинҳор унута олмаман.

У, чиндан ҳам, ажойиб инсон эди...

Михли САФАРОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

«O'zagrosug'urta» davlat aksiyadorlik sug'urta kompaniyasi акциядорлари диққатига!

«O'zagrosug'urta» davlat aksiyadorlik sug'urta kompaniyasining Кузатув Кенгаши шунинг маълум қиладики 2005 йил 20 майда Компания акциядорларининг көвөр-ми тўлиқ йиғилиши учун Акциядорлар умумий йиғилиши (Компания Кузатув Кенгашининг 2005 йил 21 майдаги 64 – сонли байномасига асосан) 2005 йил 3 июн соат 11.00 да Компания маъмурий биносидида ўтказилишини билдиради. Манзил: Тошкент шаҳри. Моворауннахр, 13 уй.

2005 йил 19 апрелда «Қишлоқ ҳаёти» газетасининг 52 – сонидида эълон қилинган йиғилиш кун тартиби, акциядорлар рўйхати тайёрланган сана, Умумий йиғилишға қатнашиш ҳуқуқиға эға бўлган акциядорлар, Акциядорларни Компания фаолиятиға доир маълумотлар билан таништириш тартиби ўзармаган.

«O'zagrosug'urta» DASK Кузатув Кенгаши.

DESK-INVEST
UZBEKISTAN - AUSTRIA

"DESK-INVEST" Ўзбекистон – Австрия қўшма қорхонасида ишлаб чиқарилган металл-черепицаларни харид қилинг!

Россия ҳом ашёсидан Финляндия технологияси асосида тайёрланган маҳсулотимиз зангламайди. Ташқи таъсирға чидамли.

Ўз сифати билан камида эллик йилға кафолати бор.

Бутун дунё стандартларига жавоб беради!

Манзилимиз: Тошкент шаҳар, 3.Шамсуддинова кўчаси, 45-уй
Тел.: 199-56-56, 103-20-42; факс: 199-56-56; E-mail: sks@globalnet.uz

Тадбиркорлар ва сармоядорлар диққатига!

Тошкент вилоти Зангиота тумани маркази Эшонгузар қўрғонидagi (Тошкент шаҳарининг "Алгоритм" мавзеси рўпарасида) аввал ётқоҳона бўлган, ертўлали, 1150 кв.м. сахли

Икки қаватли бино сотилади.
Тел.: 132-20-61, 29-94-22, 174-44-72 (уяли)

ООО "UZDL" обьявляеи об уменьшении Уставного фонда с 66042866,00 сум до 49348201,44 сум.
Все вопросы по тел: 67-49-19.

«AVTOTRAK» ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИКАРИШ МАРКАЗИ

Таймирланган қуйидаги эхтиёт қисмларни СОТАДИ:

МТЗ дизели ўрнатишган ЗИЛ-130, автокран; автокранларға мослаштирилган МТЗ дизеллари ва блок-«кожуҳлари» (центровкаланган); ЗИЛ-130нинг мотори ва вкладишлари, распределители; ЗИЛ-4331нинг распилителлари; «Икарусининг плунжерлари; «Алтай», «Авиа», «Камийири», ЮМЗларининг валлари, блоклари...

ДАСТАВЛАК ПАТЕНТ

Нархлар – бозориникидан арзон.

Енгил автокранларға ҳам дизель ўрнатиш бўйича **ФЕРМЕР** хўжалиқларига, қорхона ва тадбиркорларға кўмаклашамиз, филиаллар очамиз.

Дизель ўрнатишган ЗИЛ, ПАЗ... автокранларига 100км.ға 17-20л, енгил автокранлар эса – УАЗ, ГАЗ-31... атиги 6-8 литр солярка сарфлайдилар! **ФЕРМЕРНИНГ** нияти – машина ва тракторларда БИР ХИЛ Енгил, мой, эхтиёт қисмлар... ишлатилиши – энди амалда!

Тежамкорлик 2...3 баробар ошади!

Манзил: Тошкент шаҳри, «Аэродромная» кўчаси, 5-уй. (Мўлжал: ТЭА, «6-Қорасу») Тел.: 159-48-00, 123-65-43.

Товар сертификатланган

"ТЕХСЕЛЬСНАБ" МЧЖ

Тошкентдаги омборхонадан Россия ва Украина заводларида ишлаб чиқарилган енгил ва юк автомобиллари ҳамда қишлоқ хўжалик (галласўриш комбайни, тракторлар Т-150, МТЗ, МХ-135, ТТЗ) миналарини таклиф қилади

Пул ўтказиш йўли билан галла ва пахтанинг 23210, 23220 траншларини ҳам қўбул қилади.

Тошкент ш., Чилонзор-2, Гагарин кў., 26-уй
Тел.: 77 1210, 77 1451, 79 9468, 103 7234, 158 8575.

ТАШКИЛОТ ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДАН

автомобиллар ва қишлоқ хўжалиғи техникаси учун қуйидаги қорхоналарда ишлаб чиқарилган кенг ассортиментдаги

ШИНАЛАРНИ comagu:

ЕНГИЛ МАШИНАЛАР УЧУН, ЕНГИЛ ЮК ТАШУВЧИ МАШИНАЛАР УЧУН, ОГИР ЮК ТАШУВЧИ МАШИНАЛАР УЧУН, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИҒИ ТЕХНИКАСИ УЧУН

Тел.: (99871) 137-10-61, 137-20-76, 137-20-04, 334-64-21

Шиналар буюртма бўйича 30-35 кунда Украина ва Россиядан вагонларда келтирилади.

Улғуржи ва чакана савдо қилиш филиаллари манзиллари: Наманган ш., Дўстлик шоҳкўчаси, 1-А уй. Тел.: (3692) 24-56-60. Андижон ш., Мирпўстин к., 20-уй. Тел.: (3742) 24-04-88. Данғара ш., Тошкент к., 74-уй. Тел.: (37357) 2-19-06. Термиз ш., Ч.Сафаров к., 80-уй. Тел.: (37622) 2-45-85.

Аниқлик киритамиз: Газетанинг 22 апрелда чоп этилган № 52-53 сонлари № 53-54 деб ўқилисин.

Газетамизнинг навбатдаги соди 27 май, жума кун чикади.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТ	ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Саид АҲМАД, Озод ШАРОФИДДИНОВ, Ағитай АДИЛОВ, Комилжон МАМА-ЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ, Гафур ШЕРМУҲАММАД.	МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Агрисаноат комплекси таркибидagi ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар	ТЕЛЕФОНЛАР: Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 136-58-83, 136-56-25, Котибият – 133-95-17, Реклама ва эълонлар – 133-44-43, 136-54-44, 133-28-04, Факс – 133-44-43, 133-40-87	ВИЛОЯТ МУҲБИРЛАРИ: Қорақалпоғистон Республикаси – 8-361-58-512-17; Андижон – 8-374-22-234-08; Бухоро – 8-365-22-644-61; Жиззах – 8-372-22-648-72; Навоий – 8-436-22-60-525; Наманган – 8-369-41-234-23; Фарғона – 8-373-61-221-97; Самарқанд – 8-366-2-33-70-57; Сурхондарё – 8-376-46-526-61; Сирдарё – 8-367-37-23-813; Тошкент – 8-371-136-56-21; Хоразм – 8-362-22-623-50; Қашқадарё – 8-375-22-517-65.	Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар	МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй	Навбатчи: А.КАРИМОВ Саҳифаловчилар: А.ИСМОИЛОВ, Р.ЕДГОРОВ, А.САФОНОВ Муасхаси: М.АБДУСАМАНОВ
--	--	--	--	---	--	---	---